

Авазов Илҳом Равшанович,

Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШДА АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТҮПЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

УДК:336.11(658.1)

АВАЗОВ И.Р. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШДА АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТҮПЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ текширувни ўтказиш жараёнида, аудиторлик далилларини түплаш масалалари келтириб ўтилган. Уларга берилган таърифлар, консолидациялашган молиявий ҳисбет аудитининг босқичлар блок-схемалари ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисбет, консолидациялашган молиявий ҳисбет, аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлик далиллар, аудит амаллари, бош корхона, шўъба корхона.

АВАЗОВ И.Р. СБОР И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ ПРОВЕРКЕ КОНСОЛИДИРОВАННОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Статья посвящена сбору аудиторских доказательств при проверке консолидированной финансовой отчетности, составленной в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности. По результатам исследования разработана блок-схема этапов аудита консолидированной финансовой отчетности.

Ключевые слова: финансовая отчетность, консолидированная финансовая отчетность, стандарты аудита, аудиторская интерпретация, операционный аудит, материнская компания, дочерняя компания.

AVAZOV I.R. COLLECTION AND IMPROVEMENT OF AUDIT EVIDENCE IN THE AUDIT OF CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS

The article is devoted to the collection of audit evidence in the audit of consolidated financial statements compiled in accordance with international financial reporting standards. Based on the results of the study, a block diagram of the stages of the audit of the consolidated financial statements was developed.

Key words: financial statements, consolidated financial statements, audit standards, audit interpretation, operational audit, parent company, subsidiary.

Кириш.

Иқтисодиётни жадал ривожланиб бориш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларда улар тўғрисидаги ахборотларнинг тўғри ва обьективлиги муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий муносабатда бўладиган субъектлар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботдан оладилар. Бир нечта филиаллари ёки шўъба корхоналари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар консолидациялашган молиявий ҳисобот тайёрлайди ва тақдим этадилар. Бундай субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўладиган субъектлар, улар тўғрисидаги ахборотни консолидациялашган молиявий ҳисоботдан оладилар. Бундан ташқари турли бирлашмалар, концернлар, ассоциациялар ва вазирликлар ҳам консолидациялашган молиявий ҳисобот тайёрлайди ва тақдим этадилар. Шунинг учун, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги аудиторлик текшируви ёрдамида аниқланади. Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини аниқлаш учун амалга оширилаётган аудиторлик текшируви даврида аудиторлик далилларини тўплаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда аудиторлик далилларини тўплашнинг қайси усулидан файдаланилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Асосий натижалар.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад барча шўъба корхоналар томонидан тузилган молиявий ҳисоботлар ва консолидациялашган молиявий ҳисобот ахборотларини таққослаш, тафовутлар мавжуд бўлса аниқлаш ва тегишли хулосани шакллантиришдан иборат. Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бошқарув тушунчасига ва капитал тушунчаси бўйича ягона молиявий ҳисоботга асосланган бўлиши лозим. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг аудитидаги асосий фарқ шундаки, консолидациялашган молиявий ҳисоботда бир неча мустақил ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларида келтирилган барча кўрсаткичлар тўлиқ келтириб ўтилмайди. Бунда бош компания таркибидаги корхоналар бир-биридан бўлган қарз маблағлари акс эттирилмайди, лекин шўъба корхоналар ўзларининг молиявий ҳисоботларида келтиради.

Мана шундай хусусиятлар консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ахборотларидағи бузилишларга олиб келади. Бундан ташқари, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ахборотларини бузилишига қўйидаги ҳолатлар ҳам сабаб бўлади:

- компаниялар гуруҳининг таркибини нотўғри аниқлаш;
- бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларидағи бузилишлар;
- консолидация учун ҳисоб сиёсатидан фойдаланиш, бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини барча талабларини ўз ичига олмайди;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш жараёнидаги хатоликлар;
- консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашдаги хатолар.

Ушбу хусусиятлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш масалаларини такомиллаштириш лозимлигини белгилаб беради. Бунда асосий эътибор, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити услубарини такомиллаштиришга қаратилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказиша аудитнинг халқаро стандартлари асосида текшириб аудиторлик далилларини тўплаш вақтида аудиторнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бош компания томонидан тузилган консолидациялашган молиявий ҳисобот кўрсаткичларида ноаниқликлар келиб чиқадиган бўлса, ўзининг шўъба корхоналари молиявий ҳисоботдаги жиiddий тафовутларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва баҳолашдир. Сўнгра аудитор, ушбу рискларнинг қайси бири муайян аудит амаллари орқали кўриб чиқилиши керак бўлган муҳим хатарларни аниқлади.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда аудит далилларини ийғиши аудиторларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, аудитнинг барча номатив-хуқуқий асослари ва стандарт талаблари асосини ташкил этади. Ушбу ёндашув аудиторлик текширувлари давомида аудиторлик далилларини тўплаш бўйича ҳаракатларига, уларнинг миқдори ва сифатига қўйиладиган талабларни

ҳисобга олган ҳолда, текширилган молиявий ҳисботовларнинг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик хulosаси учун асос яратишга қаратилган бўлиши шарт.

Шундай экан, аудит далиллари тушунчаси аудиторлик фаолияти назарияси ва амалиётида кенг қўлланилиб, унинг таърифи шаклан турлича бўлган, лекин мазмунан бир хил бўлган фикрлардан иборат (1-жадвал).

“Гуруҳ молиявий ҳисботовлари, барча муҳим жиҳатлар юзасидан, молиявий ҳисботовни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосга мувофиқ тайёрланганлиги бўйича фикрни ифодалаш учун корхоналарнинг молиявий маълумотларига ва консолидацияланиш (жамлаш) жараёнига нисбатан етарлича тегишли аудиторлик далилига эга бўлиши лозим” [1, 930 б.].

Аудит халқаро стандартлари асосида консолидациялашган молиявий ҳисботовни тайёрлаш учун зарурий шартларни текширишда фойдаланишга қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Аудитнинг сифатини ошириш бўйича, вазифаларни консолидациялашган молиявий ҳисботовни тайёрлаш учун тегишли шартларни ҳисобга олган ҳолда аудиторлик текширувини амалга ошириш борасида аудиторлик далилларини тўплашда уларни ишончлилиги ва мослигини баҳолаш тартибини ўтказиш орқали ҳал қилиш мумкин. Аудитнинг халқаро стандартларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, консолидациялашган молиявий ҳисботовларни тайёрлаш учун зарур шартлар ва аудиторлик далилларини тўплашда уларнинг ишончлилиги ва мослигини баҳолашга замонавий ёндашувлар ўртасидаги боғлиқликни бартараф этиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Консолидациялашган молиявий ҳисботовни аудиторлик текширувини бошлашдан олдин гуруҳ таркибида киравчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботовлари ҳамда молиявий маълумотларини ўз ичига олган бош компаниядан гуруҳнинг молиявий ҳисботовлари мавжудлигини талаб қилиниши керак. “Гуруҳ молиявий ҳисботовлари” атамаси шунингдек, бош ташкилотга эга бўлган, умумий бошқарув остидаги корхоналар томонидан тайёрланган молиявий ҳисботовларни ўз ичига олган консолидациялашган молиявий ҳисботовларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Консолидациялаш жараёнига гуруҳ аудиторлари фикрларини шакллантириш учун асос

бўладиган корхоналарнинг молиявий маълумотларига нисбатан етарлича тегишли аудиторлик далили олинишининг етарлилиги ва мослиги бу эса аудиторлик далилларнинг сифати ва миқдори жиҳатдан баҳолашини аниқлаши лозим.

“Консолидациялашган молиявий ҳисботов мақсадида аудитга қўшимча равища, бош компания таркибида киравчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботовларни мажбурий аудитини ўтказиш зарурати ҳам аудит режага киритиш зарур” [1, 412 б.].

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботовини тайёрлаш жараёни айрим тузатишларни акс эттириш учун ностандарт муомалаларидан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Консолидациялашган молиявий ҳисботов тузиш пайтидаги тузатишлар ва бизнесни бирлаштириш ёки чиқиб кетишлар бўйича муомалалар, бир марталик баҳолашлар, хусусан, активнинг қадрсизланишини баҳолашга хизмат қилиши мумкин.

Консолидациялашган молиявий ҳисботовларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар билвосита аудиторлик далилларини баҳолаш аудиторлик текширувда амалга ошириладиган мезонлардан бири деб аталади. Сўнгги йилларда молиявий ҳисботовларни тайёрлаш учун зарур шартларнинг турли жиҳатлари ва муҳим хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ишлаб чиқилмоқда [5, 31 б.].

АҲСда аудиторлик далилларининг хусусиятлари унинг етарлилиги ва мослиги билан ўзаро боғлангандир. Улар:

- сифат ўлчови;
- миқдор ўлчови;
- аудитор томонидан ахборотни баҳолаш мезонлари.

Аудитнинг халқаро стандартларини асоси сифатида далиллар аудитор қарорларни қабул қилиш ва аудиторлик хulosасини ифода этиш учун асос яратиши кераклигини англатади. Аудиторлик далилларининг мослиги бу сифат ўлчовини билдириса, аудиторлик далилларини етарлилиги эса миқдор ўлчовини билдиради. Тегишли белги бу аудиторлик далилларининг сифатидир. Аудиторлик далилларининг сони ва сифатини баҳолашда аудиторнинг профессионаллигидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг етарлилиги ва мақсадга мослигини таҳлил қиласи. АҲСга кўра, аудиторлик далилларининг етарлилиги ҳисботовларнинг жиддий бузилиши рискини баҳолаш натижалари ва маълумотларнинг сифати билан боғлиқ.

1-жадвал. Аудиторлик далиллариға берилған таърифлари¹

Таърифлар	Манба
Аудиторлик далили – Аудиторлик фикри учун асос бўлган ҳуносаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот. Аудиторлик далили молиявий ҳисботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади.	Глоссарий [1,31 6.] №200 - "Молиявий ҳисботларнинг аудити учун сифат назорати" АХС [1, 131 6.] №500 - "Аудиторлик далиллар" АХС [1, 623 6.]
Аудиторлик далиллари - аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик ҳуносасини асословчи маълумот (ахборот)лардир.	№50 - "Аудиторлик далиллар" АФМС [7]
Аудиторлик далиллари аудитор томонидан аудиторлик текшируви жараёнида олинган, ушбу ахборотларни таҳлил қилиш натижасида аудитор фикрини ташкил қилиш учун асос бўлган ахборотлар ҳисобланади.	Шеремет А.Д., Суйц В.П. [4, 204 6.]
Аудиторлик далиллари етарли ва мақсадга мувофиқ бўлиши муҳим ҳисобланади. Зоро, бу кўрсаткичлар кўлами аудит режаси ва аудиторлик текширувларининг суммасига ҳам таъсир қиласи. Чунки аудиторлик далиллари етарли бўлиши аудит ҳуносасининг якуний кўринишига бевосита боғлиқдир.	Бычкова С.М., Итыгилова С.М. [2, 122 6.]
Аудиторлик далиллари аудит стандартларининг концептуал асоси сифатида кўриб чиқалади. Аудит далиллари ва молиявий ҳисботларни тайёрлаш учун зарурӣ ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлиги аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос яратишга имкон беради, зарурӣ ҳолатлар аудиторлик далилларини тўплаш мезони бўлиб хизмат қиласи.	Василенко А.А. [3, 10 6.]
Аудиторлик далиллари – аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик ҳуносасини асословчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аналитик счёtlар қолдиқлари, бошланғич ҳужжатлар ва йиғма регистрлар, бошқа аудитор томонидан тўпланган ахборотлар ҳисобланади.	Қўзиев И.Н. [6, 52 6.]

Аудиторлик далилларининг тегишли ҳусусияти, ўз навбатида, аудиторлик ҳуносаларни асослашда мувофиқлик ва ишончлилик мезонлари билан белгиланади. Ушбу энг муҳим жиҳат аудиторлик ташкилотлари томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисботи ва ҳуносасининг ишончлилигига таъсирини баҳолаш билан боғлиқ. Аудиторлик далилларининг моҳияти учинчи шахслар томонидан маълумотларга тасдиқ олиш ахборотни аудитор томонидан баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро ва миллий стандартлари асосида тузилган шўъба корхоналарнинг молиявий ҳисботлари ва бош компания томонидан у молиявий ҳисботларини консолидациялашган молиявий ҳисботни тузиш, аудиторлик текширувининг барча босқичларида фойдаланишини

турли жиҳатларини акс эттиради. Консолидациялашган молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тузишда зарур шартларга мувофиқ аудиторлик далилларини тўплаш, аудиторлик далилларининг ишончлилиги ва самарадорлигини оширади.

Консолидациялашган молиявий ҳисботни аудиторлик текширувидан барча аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳар хил тартибда ўтказиш ва текширув жараёнида тўпланадиган аудиторлик далилларини тўплаш ҳамда уларда кўлланиладиган амалларни бир хил тартибда бориши учун консолидациялашган молиявий ҳисботни аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Ушбу кетма-кетлик бир гуруҳ компаниялар фаолиятини бу босқичларида аудиторлик текширувини ўтказиш, гуруҳнинг ички назорат тизимини таҳлил қилиш ва ҳисботларида келтирилган жид-

¹ Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал. Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитининг ўтказиш босқичлари¹

Босқичлар	Бажариладиган ишлар
1-босқич: Топшириқ бўйича дастлабки ҳаракат	<p>Компаниялар гуруҳига хизмат кўрсатишини қабул қилиш</p> <p>Консолидацияланган молиявий ҳисобот аудити учун олдиндан режалаштириш</p>
2-босқич: Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши рискини аниқлаш ва баҳолаш	<p>Гурух ва унинг таркибий қисмлари фаолиятини, шу жумладан бирлаштириш жараёнини ўрганиш</p> <p>Ички назорат ва рискларни бошқариш тизимини баҳолаш</p> <p>Моддий нотўғри талқин қилиш рискини аниқлаш</p> <p>Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг яхлитлиги, таркибий қисмларнинг муҳимлик даражаси, консолидациялашган молиявий ҳисобот учун аниқ аҳамиясиз бузилишларнинг энг юқори қийматини белгилаш</p> <p>Аудит амалларини батафсил режалаштириш</p>
3-босқич: Муҳим аудиторлик амаллари	<p>Баҳоланган рискларга жавобан муҳим аудит амаллари</p> <p>Гуруҳнинг алоқадор томонлар билан битимлар бўйича аудиторлик текширувларини ўтказиш</p> <p>Гуруҳнинг узлуксизлигини баҳолаш учун аудит амалларини ўтказиш</p> <p>Гуруҳ ҳисоботидан кейин воқеаларни баҳолаш учун аудит амалларини ўтказиш</p> <p>Гуруҳнинг молиявий ҳисоботида, шу жумладан ҳисоб сиёсати, боғлиқ томонлар, даъволар, ҳисобот санасидан кейинги воқеалар тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлигини аниқлаш учун аудит ўтказиш</p>
4-Босқич: Якуний амаллар	<p>Бир гурух компаниялар акциядорлари ва раҳбарлари учун маълумот тайёрлаш</p> <p>Консолидациялашган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хulosасини тайёрлаш</p> <p>Компаниялар гуруҳининг консолидациялашган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувида ички назоратга шарҳ бериш</p> <p>Компаниялар гуруҳи акциядорлари ва раҳбарияти учун аудиторлик хulosаси ва маълумотларини тақдим этиш</p> <p>Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни текшириш бўйича сурʼонома тайёрлаш</p>

дий нотўғри талқин қилиш рискини аниқлашнинг услубий ёндашувларини ишлаб чиқишига хизмат қиласди. Мавжуд рискларга қарши қаратилган аудиторлик текширувини ўтказишида рискларни ҳисобга олган ҳолда, жиддий нотўғри маълумотлар ва мавжуд бошқариш воситаларининг рискини аниқлаш жуда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишида аудиторлик далилларини тўплаш аудиторлик хulosасини ифода этиш учун асос бўладиган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бошланғич ҳисоб маълумотлари ва умумлаштирувчи ахборотлар, молиявий ҳисоботни

тузиш учун асос бўлган маълумотлар ва счётларнинг қолдиқлари, бизнес-режа ахборотлари, ташки ахборот манбаларидан олинган маълумотлар ҳамда бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлмаган ахборотлар, текширувдан кейинги юз берадиган ҳодисаларга таъсир қиласиган босқичлардан биридир. Ушбу маълумотлар аудиторлик хulosасини ифода қилиш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Чунки, мазкур далиллар асосида аудиторлик хulosасини бериш, бермаслиги ёки хulosанинг қайси турини (ижобий, салбий ёки модификациялашган) танлаш шу маълумотлар асосида берилади. Албатта ушбу далилларни тўплаш билан бирга уларга аналитик ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш зарурияти вужудга келади.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аудитнинг халқаро стандарти. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами 4410-сон 2012, I қисм. 2-том. - Тошкент. «Sano-Standart» нашриёти, 2031 б.
2. Бычкова С.М., Итыгилова С.М. Международные стандарты аудита:учеб.пособие./под ред.С.М.Бычковой. М.:TK Велби, Изд-во Проспект, 2008г. 423с.
3. Василенко А.А. Аудиторские доказательства и предпосылки составления бухгалтерской отчетности в контексте стандартов аудиторской деятельности // Международный бухгалтерский учет.-20-No 10
4. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. М.: ИНФРА-М, 20448с.
5. Кизилов А.Н., Василенко А.А. Классификация предпосылок составления бухгалтерской отчетности для целей аудита // Международный бухгалтерский учет. 20№ 42 (240). С. 31—38.
6. Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методологик масалалар. Монография. -Т.: "IQTISOD-MOLIYA", нашриёти, 2015 й. 194 б.
7. <https://www.mf.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти)